ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
# Ҳ У К М

2020 йил октябрь ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, жиноят ишлари бўйича Охангарон туман суди биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ч.Чоршамиев,

судья ёрдамчиси Ш.Хамзалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Охангарон [redacted] ўғлига оид № 1-1111-2001/114-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[redacted] туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи, оилали, уч нафар фарзанди бор, Андижон вилояти, Андижон тумани, “[redacted] 22 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[redacted]/ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

[redacted] Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан 1 /бир/ йил 6 /олти/ ой муддатга муайян ҳуқуқ, яъни барча турдаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 /уч/ йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ҳужжат имзоланган: Чоршамиев Чори Пардаевич, 22.10.2020

[redacted] нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси асосан шартли ҳисобланиб, 1 /бир/ йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Б[redacted] нисбатан тайинланган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин ва жазо ижроси Андижон вилояти, Андижон тумани ИИБ Пробация зиммасига юклатилсин.

[redacted] зиммасига синов муддати даврида яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органларга хабар бериб туриш ва вақти-вақти билан келиб, назорат олиб борувчи органларда рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин.

[redacted] синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса жазонинг шартлилиги бекор қилиниб, ҳукмда тайинланган жазони ўташ мумкинлиги тушунтирилсин.

Б[redacted] хулқи устидан назорат олиб бориш Андижон вилояти, Андижон тумани ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Б[redacted] кирганидан сўнг бекор қилинсин, гаровга қўйилган, Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг 21506000200447886012 рақамли депозит ҳисоб рақамига ўтказилган 5.000.000 /беш миллион/ сўм гаров пул маблағлари гаровга қуювчи [redacted]а қайтарилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили [redacted] судланувчи [redacted] нисбатан даъвоси йўқлиги эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи, судья имзо Ч.Чоршамиев

Аслига тўғри:

Хужжат имзоланган: Чоршамиев Чори Пардаевич, 22.10.2020